

*“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”*

**Ш.М. Мирзиёев**

**Агентликда 2017 йил якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш ҳолати ҳамда раҳбар ва ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш тўғрисида**

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида дастлаб жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга асосланиб ишлар олиб борилди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2015 йил 31 мартдаги қарорига кўра Агентликнинг 2015 йил 4 майдаги 40-сон буйруғи билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг 2017 йил 10 февралдаги 13-сон буйруғи ва чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бунда “Таҳлилий ишлар ва патент ҳужжатлари бўлими”га Агентликда мурожаатлар билан ишлаш аҳволини ҳар чорак умумлаштириш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг 2017 йил 12 апрелдаги 42-сон буйруғи ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 659-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг 2017 йил 25 августдаги 93-сон буйруғи чиқарилган ва унда бир ой муддатида Низомни мувофиқлаштириш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2017 йил 21 августдаги “2017 йилнинг I ярим йилида Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати, давлат хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимиятлар тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида”ги мажлиси 83-сон баёнида юклатилаган вазифаларга жавобан Агентликнинг 2017 йил 30 августдаги №95-сон буйруғи ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 сентябрдаги 12/1-2290-сон топшириғига жавобан “Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни”га кўра **Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ** ишлаб чиқилган ва 2017 йил 20 сентябрдаги 103-сон буйруғ билан тасдиқланган.

2017 йилда Агентликка **356** та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг **349** таси Ўзбекистондан ва **7** таси (Россия, Германия) давлатларидан келиб тушган мурожаатларга тўғри келади, улардан **60** та мурожаат **“Ягона интерактив давлат хизматлари”** портали орқали ва **68** та мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директори виртуал қабулхонасига **121** та ва “Ишонч телефони” орқали **4** та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг **43** таси юридик шахсларга ва **235** таси жисмоний шахсларга тегишли. Турларига кўра мурожаатларнинг **321** таси аризалар, **31** та шикоят аризалар ва **4** таси таклифлардир.

2017 йил 21 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 83-сон баёни 8-бандига, 2017 йил 30 августдаги ЎзР ВМ Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими 18/19-сонли топшириғига кўра **7** та таҳлилий жадваллар ҳамда Ўзбекистон Президенти Девонининг 2017 йил 2 октябрдаги 04/2-1988-сон факсограммасига жавобан Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортилган раҳбар ва масъул ходимлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойнинг белгиланган санасида тақдим этилади.

2017 йил якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ таҳлилий материалларни 2016 йил якунлари кўрсаткичлари билан қиёслаган ҳолатда ҳар ой тақдим этиб бориладагидан жадвалларга асосланиб беришни мақсадли деб билдик **(1-7 жадваллар иловада келтирилган)**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида” 366-сон Қарорига асосан, кенг аҳоли қатлами ва тадбиркорлар учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий қабул кунлари жадвалига кўра қабул кунларида Раҳбарлар томонидан мурожаатнинг мазмунига кўра тушунтириш ва тавсиялар берилган.

Агентликнинг 2017 йил 7 июлдаги 127/К-сон буйруғига кўра шу йилнинг III чорагида ўз хизмат вазифаларини бажаришда камчиликларга йўл қўйганлиги учун Ў.Ибрагимов, Н.Талипова, Ж.Мансуровларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигида белгиланган жарима кўринишидаги интизомий жазо қўлланилган.